

Ўзбекистон Республикаси
Қашқадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 180118, 7-миттитуман, 8-27, тел. +99891-4603010

"QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ нинг
2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботиغا
ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: "QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ. СТИР рақами 200 670 475.
Манзили: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 68 уй.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Жабборов Зариф Тошматович (аудитор малака сертификати рақами № 05547, Ўзб. Респ. Молия вазирлиги томонидан 23.02.2018 й. берилган) "QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ нинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз "QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Жамиятнинг 31.12.2018 йил балансида акциядорларга ҳисобланган дивиденд бўйича кредитор қарздорлик мавжуд бўлиб, жамият йил якунига қадар тўлаши лозим эди. Ушбу ҳаттолик молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасига таъсир кўрсатмайди.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, "QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ нинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний аке эттиради.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари :-

З.Эргашева

Бош аудитор :-

З.Жабборов

2019 йил, 18 март